

**Бухоро вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош  
бошқармаси томонидан 2023 йилнинг январь-сентябр  
ойларида амалга оширилган ишлари юзасидан  
МАЪЛУМОТ**

**Бандлик дастури ижроси юзасидан;**

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йилнинг 5 июлида тасдиқланган “2023-2025 йилларда Бухоро вилоятида пахта-тўқимачилик ва ғаллачилик кластерлари ҳамда касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-214-сонли** қарорига асосан жорий йилда Бухоро вилоятини **“аҳолиси тўлиқ иш билан таъминланган ҳудуд”га** айлантириш бўйича асосий вазифа ва йўналишларни белгилаб олганмиз.

Хусусан, жорий йилда **250 минг нафар** аҳолини доимий, вақтинчалик ва мавсумий ишларда банд қилиш бўйича туманлар ва шаҳарлар кесимида йиғма мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқиб, тармоқлар ва соҳалар кесимида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича режа-график тасдиқлаб олинган.

Жумладан, Қишлоқ хўжалиги соҳасида – **149,1 минг нафар**, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига – **85,4 минг нафар**, инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига – **15,5 минг нафар** аҳоли бандлиги таъминланади;

**2023 йилнинг январь-сентябр ойлари давомида жами 345,2 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлашга эришилди. (йиллик режа 250,0 минг нафар, 138,1 фоиз) жумладан 119,1 минг нафар доимий, 21,9 минг нафар легаллаштириш ҳисобига ва 204,1 минг нафар мавсумий ишларга ва ишсиз ва кам даромадли фуқароларимиз жалб қилиниши ҳисобига қўшимча даромад билан таъминланди.**

**Йўналишлар ва соҳалар кесимида кўрадиган бўлсак;**

**Тадбиркорлик, савдо ва сервис ҳамда ҳунармандчилик йўналишларида 105,1 минг нафар (йиллик режа 74,8 минг нафар, 140,3%);**

**Йирик инвестициялар ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 11,5 минг нафар (йиллик режа 15,5 минг нафар, 74,3%);**

**Қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасида 219,5 минг нафар (йиллик режа 149,1 минг нафар, 147,3%).**

**Қурилиш ва коммунал соҳада 9,2 минг нафар (йиллик режа 10,6 минг нафар, 86,6%) аҳоли бандлиги таъминланди.**

## **2. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш тўғрисида.**

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида жами 49 397 нафар ишсиз фуқароларга бандлик хизматлари кўрсатилди.

Жумладан,

1. 25 730 нафар ишсиз фуқаролар корхона ва ташкилотлардаги бўш (вакант) иш ўринларига ишга жойлаштирилди;

2. 7 323 нафар ишсизлар жамоатчилик ишларига жалб этилиб, бандлиги таъминланди.

3. 4 343 нафар ишсиз фуқаролар “ишсиз” деб эътироф этилиб, ишсизлик нафақаси тайинланди.

4. Шунингдек, 3 934 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни захираланган иш ўринларига ишга жойлаштирилди. Жумладан,

- 999 нафари 14 ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек кўп болали оилаларнинг ота-оналари;

- 1 963 нафари таълим муассасалари битириувчилари, шу жумладан, «Меҳрибонлик» уйларининг битириувчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битириувчилари;

- 62 нафари муддатли харбий хизматдан бўшатирилганлар;

- 93 нафари ногиронлар;

- 83 нафари пенсияолди ёшидаги шахслар учун;

- 33 нафари жазони ўташ муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун;

- 701 нафари атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар ҳамда қонунчиликка белгиланган бошқа тоифалар вакиллари корхоналарда белгиланган квоталанган иш ўринларига ишга жойлаштирилди.

5. 1 191 нафар имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашилди. Хусусан,

- 549 нафар ташкилотлардаги мавжуд бўш ҳамда захираланган иш ўринларига ишга жойлаштирилди;

- 108 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди;

- 204 нафари ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия бериш орқали ишга жойлашишга кўмаклашилди;

- 330 нафари меҳнат бозоридаги талаб юқори бўлган касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди.

6. 557 нафар ишсиз фуқаролар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Касаначилик ва Хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш жамғармалари орқали ажратилган маблағ ҳисобига бандлиги таъминланди.

7. 6 319 нафар ишсиз фуқаролар тизим тасарруфидаги Бухоро шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази ва Жондор, Қорақўл ва Ромитан ўқув марказларида меҳнат бозоридаги талаб юқори бўлган касб-хунар, хорижий тиллар ва тадбиркорликка ўқитилди.

Шунингдек, жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида жами 193 та ярмарка ташкил этилиб, 2 563 корхона ва ташкилотлар иштирок этиб 8 122 нафар ишсиз фуқаролар, шу жумладан, битирувчиларнинг бандлиги таъминланди.

Жумладан,

- 6 169 нафар ишсиз фуқаролар доимий иш ўринларига ишга жойлаштирилди;

- 1 355 нафари касб-хунарларга ўқитишга жалб этилди;

- 598 нафари жамоат ишларига жалб этилди.

Бугунги кунда вилоят бўйича 8 444 та бўш (вакант) иш ўринлари мавжуд бўлиб, шундан 3 186 нафари мутахассисликлар бўйича ҳамда 5 258 нафари касб лавозимларидан иборат.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2022 йилдаги “Касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-214-сонли қарори ижроси юзасидан жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатида, 132 304 нафар фуқаролар касаначилик йўналишида бандлиги таъминланди.

Жумладан,

- 130 000 нафари пиллачилик йўналишида;
- 1 228 нафари тикувчилик йўналишида;
- 193 нафари каштачилик йўналишида;
- 185 нафари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, парваришлаш йўналишида;
- 146 нафари паррандачилик йўналишида;
- 126 нафари асаларичилик йўналишида;
- 102 нафари миллий либослар тикиш йўналишида;
- 75 нафари тўнчилик йўналишида;
- 63 нафари ҳунармандчилик йўналишида;
- 52 нафари мебелчиликда;
- 50 нафари нонвойчиликда;
- 38 нафари кўрпа-тўшак тикишда;
- 27 нафари қўлда гилам тўқишда;
- 15 нафари заргарликда;
- 5 нафари ёғоч ва темирларга ишлов беришда;
- 2 нафардан қандалотчилик ва биссарчилик йўналишида касаначи сифатида бандлиги таъминланди.

## **Касбга ўқитиш йўналиши бўйича;**

2023 йилда **4,2 минг** нафар банд бўлмаган фуқароларни қамраб олиш қувватига эга бўлган **4 та касбий таълим муассасаси**, жумладан **1 та** “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда **3 та** касб-хунарга ўқитиш марказлари, шунингдек, **1,8 минг нафар** қувватга эга бўлган ҳамда Мономарказ фаолиятини маҳаллабай ташкил этиш мақсадида **36 та маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари** ташкил этилган.

Меҳнат бозори таҳлил қилинганда талаб юқори бўлган **42 турдаги** касблар бўйича **8,7 минг** нафардан ортиқ меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-хунар ва тадбиркорлик асосларига ўқитиш белгилаб олинди.

2023 йил январ-сентябрь ойларида **6,3 минг** нафар ишсиз ва банд бўлмаган фуқаролар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлик тасарруфидаги “Ишга марҳамат” мономаркази ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказларида жалб этилди. Шундан Ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган **“Ижтимоий ҳимоя”нинг ягона рейстирида турувчи 1,8 минг нафар** ишсиз ва банд бўлмаган фуқаролар ўқишга жалб этилиб ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишлари ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга йўналтирилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 4 минг нафар тингловчилар ўрта-махсус дипломга тенглаштирилган сертификатлар топширилган бўлиб, шулардан 3,8 минг нафарининг бандлиги таъминланди. Жумладан 2,3 минг нафар тингловчилар доимий ишларга, 1,5 минг нафар тингловчилар ўзини-ўзи банд қилиш орқали, 19 нафари Яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини бошлаш орқали бандлигини таъминланди.

Бухоро шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази томонидан **Германиянинг “NoVoAgency” компанияси** ўртасидаги ҳамкорлик келишувига асосан Германия тиббиёт муассасаларида ишлаш истагини билдирган **35 нафар** ўрта бўғин тиббиёт ходимларини ўқитиш учун **1 нафар** немис тили фани ўқитувчи-мутахассисларини жалб этган ҳолда ўқитиш йўлга қўйилди.

**Бухоро шаҳридаги “Ишга марҳамат”** мономаркази ҳузурида ҳунармандчилик маркази ташкил этиш мақсадида **“Модарихон” мадрасаси 5 йил муддатда нол қиймат билан ижарага олинган** бўлиб ҳунармандчилик билан шуғулланишга кенг имконият яратиш учун **зардўзлик, заргарлик, каштачилик, кандакорлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, ипак гиламчилик, миниатюра санъати** каби йўналишларида **150 нафарга** яқин ҳунар эгаллаш истагини билдирган фуқаролар жалб этилиб ҳунармандчилик сир асрорлари ўргатилмоқда.

Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан **285 нафар ногиронлиги бўлган шахсларни** ўқишга жалб қилиб ногиронлик нафақаси билан бир вақтда, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан **базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари** миқдорида ҳар ойлик стипендия тўлаб борилмоқда.

Бухоро Архитектура ва қурилиш техникуми тасарруфидаги “Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларни тайёрлаш Маркази”да 2022-2023 ўқув йили оралиғида 547 нафар фуқаролар 10 турдаги касблар бўйича ўқишга жалб қилиди.

Бугунги кунда 496 нафар тингловчилар ўз мутахассислиги бўйича сертификатлар топширили бандлиги таъминланди. 354 нафари хорижий давлатларга, 130 нафари Республикамиздаги бунёнкорлик ишларида фаол меҳнат қилаётган қурилиш корхоналари ҳамда хусусий ташкилотларда ўзлари тамомлаган касблар бўйича меҳнат фаолиятини давом эттирмоқдалар. Марказ битирувчиларининг 12 нафар тингловчилар ОТМ ларига ўқишга қабул қилинди. Хорижга меҳнат фаолиятини олиб бориш истагини билдирган фуқаролар ташкиллаштирилган тартибда хорижий давлатларга юборилиши таъминланмоқда. Жумладан Россия Федерациясининг йирик қурилиш компаниялари – “ПИК-Индустрия” “ТехСтрой” МЧЖ, Камаз заводи, “ООО Велестрой”, “ООО Дом-59”, “ООО Мост строе” “ООО Сталмост”, “ООО Мака” “ООО Промет” Руминия, Латвия, Қозоғистон, Қирғизистон Республикасидаги қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият олиб бормоқда.

**“Обод хонадон - обод кўча - обод маҳалла”** мезонларини жорий этиш бўйича;

## **I. Ташкилий масалалар**

1. Президент Администрацияси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Марказий ва тижорат банкларининг **жами 5 нафар** масъул ходимлари вилоятга хизмат сафарига юборилди.

2. Жорий йилнинг **11-12 сентябрь** кунлари барча ҳудудларда вилоят, туман (шаҳар) ташкилот ва идоралари танланган маҳаллаларга бириктирилиб, Штаблар фаолиятини йўлга қўйилди.

3. **5 та** маҳаллада белгиланган йўналишлар бўйича ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан учрашувлар ўтказилди. Учрашувларда **3 000 нафардан** ортиқ маҳалла фаоллари ҳамда **аҳоли вакиллари иштирок этди.**

## **II. Аҳоли муаммоларини ҳал қилиш бўйича амалга оширилган ишлар**

**5 та** маҳалладаги **2 798 та** хонадонда, ёки **100 %** хатлов ўтказилди. Хатлов жараёнлари якунлари бўйича:

**1 121 та** хонадон, ёки **40,1 %** муаммоси йўқ - **1-тоифа**;

**1 181 та** хонадон, ёки **42,2 %** моддий шароити яхши - **2-тоифа**;

**426 та** хонадон, ёки **15,2 %** ўрта шароитдаги - **3-тоифа**;

**70 та** ёки **2,5 %** ўта оғир шароитдаги яшаётган хонадонлар **4-тоифага** ажратилиб, амалий ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, **28 та** уй-жойи таъмирга муҳтож, ўта оғир шароитда яшаётган фуқароларнинг турар жойлари жорий ва капитал таъмирлаб берилди, улардан **6 та** хонадонда ювиниш хонаси, **19 тасида** ошхонаси ва **24 тасида** хожатхонаси қуриб берилди, **198 та** хонадонга кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиб берилди, **377 та** хонадонга **137 тонна** кўмир етказиб берилиб, **1 509 та** хонадонда дезинфекция қилинди.

Шунингдек, маҳаллалардаги **24 та** кўчаларда **“Обод кўча”** мезонларини жорий этишда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

**15,4 км** асфальт, **24,0 км** йўл шағал, **6 750 м<sup>2</sup>** пиёдалар йўлаги (тротуар) барпо этилди;

**5 км** узунликдаги янги электр тармоғи тортилди, **98 дона** ёритиш мосламалари ўрнатилди, **3 та** янги трансформатор ўрнатилиб, **24 та**си таъмирланди, **255 та** симёғоч устунларни бетон устунларга алмаштирилди, **112 та** янги қўшимча темир-бетон устунлар ўрнатилди;

**29 та** газ тақсимлаш пункти таъмирланди. **3,7 км** газ тармоғи таъмирланди (бўйялди), **2 687 та** суюлтирилган газ баллонларини етказиб берилди;

**13,9 км** узунликдаги янги ичимлик суви тармоғини тортилди, **9 та** ичимлик сувини етказиб берувчи автомашиналар жалб этилди;

Маҳаллаларда ўтказилган ободонлаштириш ишларига, **1 065 нафар** хашарчилар ҳамда **36 та** юк ташувчи автотранспорт ва махсус техникалар жалб этилди. **640 тонна** чиқиндилар чиқариб ташланди.

### III. Аҳолига кўрсатилган ёрдамлар

Маҳаллаларда **316 нафар** аҳолининг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Жумладан, **36 нафар** доимий ишга жойлаштирилди, **45 нафар** фуқаро касб-ҳунар ўрганиш учун ўқишни бошлади, **124 нафар** жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилди, **72 нафар** ўзини ўзи бандлиги таъминланди ва **39 нафар** фуқаронинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилди.

**4 нафар** фуқаронинг паспорт билан боғлиқ муаммоси ҳал этилди.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”даги **173 нафарга 196 млн.** сўмлик турли ёрдамлар кўрсатилди.

**6 нафар** фуқарога ногиронлик аравачаси, **448 нафарига** бепул дори-дармон воситалари, **11 нафарига** тикув машинаси ва **10 нафар** фуқарога асбоб ускуналар ва меҳнат қуроллари олиб берилди.

**7 132 нафар** шахс тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўрик натижасига кўра уларнинг **27 нафарига** даволаниш учун ордер берилди.

**5 нафар** шахсларга сиҳатгоҳ, санатория ва профилакторияларга йўлланма берилди, **135 нафар** шахсларга озик-овқат маҳсулотлари берилди, **9 нафар** шахсларга



**11 млн.** сўмлик моддий ёрдам, **9 нафар** якка ёлғиз кексаларга ҳамда **149 нафар** ногиронларга турли ёрдамлар кўрсатилди, **44 нафар** фуқарога **1 160 млн.** сўм кредит, **21 нафарга 44 млн.** сўмлик субсидия олишига кўмаклашилди.

**32 та** оиладаги нотинчлик вазияти жамоатчилик аралашуви билан бартараф этилди.

#### **IV. Маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари**

Маҳаллаларда **479 та** турли тадбирлар ташкил этилди. Жумладан:

**93 та** хонадон маданиятини юксалтириш, хонадонларни обод ҳамда кўркам қилиш, қурилиш меъёрлари ва санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш бўйича;

**62 та** оилаларда фарзанд тарбияси, хонадон аъзоларининг бандлиги, шу жумладан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, касаначиликни ривожлантириш бўйича;

**58 та** маънавий ва китобхонликни тарғиб қилиш тадбирлари ("Заковат" мусобақаси, "Зукко китобхон", "Ёш китобхон" ва "Мунозара" интеллектуал ўйини);

**169 та** спорт тадбирлари, жумладан, **47 та** футбол, **19 та** баскетбол, **25 та** волейбол, **31 та** стол тенниси, **37 та** шахмат-шашка мусобақалари ташкил этилди.

Шунингдек, **20 та** "Уч авлод учрашувлари", **16 та** "Бир нафар нурунийга ўн нафар ёш" тадбирлар ўтказилди.

**61 маротаба** маданий тадбирлар (концерт, театр, саёҳат ва ҳ.к) ташкил этилиб, аҳолига ош тарқатилди.

Ишчи гуруҳлар томонидан маҳаллалардаги кўчалар ва хонадонларда амалга оширилиши лозим бўлган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

#### **Маҳаллаларда кам таъминланган оила аъзолари учун ифторлик дастурхонларини ўтказиш бўйича**

Худудларда ифторликларни тизимли ташкил қилиш бўйича "Маҳалла" фонди республика бошқаруvidан 2023 йил 18 мартда худудий хокимликларга тегишли кўрсатма хатига асосан амалга оширилаётган ишлар.

Бухоро вилояти Худудларда ифторликларни тизимли ташкил қилиш бўйича "Маҳалла" фонди республика бошқаруvidан 2023

йил 18 мартда ҳудудий ҳокимликларга тегишли кўрсатма хатига асосан туман шаҳардаги 544 маҳалла фуқаролар йиғинига ифторликлар ўтказиш бўйича туман шаҳардаги маҳалла фондларига пул маблағлари берилди.

Туман (шаҳар) ҳокими, сектор раҳбарлари ҳамда камбағалликни қискартириш ва бандлик бўлими бошлиқлари биргаликда туман (шаҳар)лардаги маҳаллаларда ифторлик ўтказиш режа-жадваллари ишлаб чиқилди ва 2023 йил 25 март кунидан тасдиқланди.

28 март кунидан режа-график асосида туман (шаҳар) ҳокими, сектор раҳбарлари, камбағалликни қискартириш ва бандлик бўлими бошлиқлари ҳамда туман (шаҳар)лардаги МФЙ раислари томонидан ифторлик ўтказиладиган жой (туйхона, маҳалла гузари, оталар чойхонаси, оила хонадони ва х.к) белгиланганлиги асосида 150 киши ифторликларни ўтказиш бошланди.

Бунда, маҳалладаги ёши улўғ обрў эътиборга сазовор бўлган кишилар, кўчаларида тарғибот-ташвиқот ишларида фаол булган кўча бошилар, "Темир дафтар "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Ижтимоий реестр"га киритилган оилаларнинг оила азоларини танлаб олинишига аълоҳида эътибор қаратилди.

Бухоро вилоятида режа-график асосида "Муборак рамазон" оий муносабати билан ташкил қилинган ифторликларга ҳар бир маҳаллада ифторлик дастурхонларида Имом хатиб, диний идора вакиллари билан ўтказилди.

**2 Бухоро вилояти ҳудудида 2023 йил 30 июлдан 30 августгача "Ободонлаштириш ойлиги" доирасида "Маҳалладан хонадонгача" тамойили асосида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишлиши бўйича**

2023 йил 30 июлдан 30 августгача "Ободонлаштириш ойлиги" доирасида "Маҳалладан хонадонгача" тамойили асосида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишлиши бўйича туман шаҳарларда кенга қамровли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, вилоятдаги **430 896** та хонадондан **8049** та камбағал оилаларнинг хонадонлари таъмирталаб ҳолга келган бўлиб, бугунги кунда **1480** та (шундан, **1280** таси якка тартибдаги ҳамда **25** таси кўп қаватли) хонадонлар таъмирланди.

Шу жумладан, **190** та хонадоннинг том қисми тузатилган, **374** та фасади бўялган, **136** та ички хоналари, **240** та деворлари, **174** та

тандирхона ва ўчоқхонаси, **139** та молхона ва қўйхонаси, **122** та ҳожатхоналарини ҳамда **49** та хонадоннинг йўлаклари таъмирланган.

Шу билан бирга, **2 915** та кўчалардан **1205** таси тартибга келтириб, ободонлаштирилган.

Жумладан, таъмирланган йўлаklar **114** км, **13 947** та дарахтга шакл берилиб, оқланган, **5 256** та манзарали гуллар йўл бўйларида экилган, **144** км ариқлар ва зовурлар тозаланган, 55 км масофада темирбетон симёғочлар ва **148** та тунги ёриткичлар ўрнатилган,

**21** та кўчаларга оқава сув келтирилган, **446** гектар ер майдони ободонлаштирилган, **142** та чиқиндихоналар тозаланиб, **2 879** тонна маиший чиқиндилар чиқариб ташланган, **11** та кўприklar ва **20** та велосипед ва пиёда йўлаклари таъмирланган.

Жорий йилнинг 1 август ҳолатида, **920** та қабристондан **350** таси ободонлаштирилган, **50** та зиёратгоҳдан **26** таси ҳамда **382** та ижтимоий объектлардан **157** таси ободонлаштирилди.

Жорий йилнинг 3 август ҳолатида, жами **1 832** та эҳтиёжманд ва камбағал оилалардан **423** таси ўрганилганда **116** нафар ишсиз оила аъзолари аниқланди. Шундан, **86** нафарининг бандлиги таъминланиб, даромад манбаига эга бўлди.

Хусусан, **8** нафари бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди, **32** нафари жамоат ишларига жалб этилди, **29** нафари ўзини ўзи банд қилди ва **18** нафари бошқа ишларга бандлиги таъминланди.

Шу билан бирга, **107** нафар эҳтиёжманд оила вакилларига субсидия олишда ҳамда **140** нафарига кредит олишга кўмаклашилди.

Ободонлаштириш ойлиги давомида амалга оширилган **153** та тадбирлар оммавий ахборот воситалари орқали ёритилди.

Шу жумладан, Телевиденияда **7** марта, матбуотда **35** марта ҳамда ижтимоий ахборотларда **113** марта ёритилиши таъминланди.

### **3.Ташаббусли бюджет жараёнларининг 2-мавсуми натижалари бўйича**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 25 октабрдаги**

**ПҚ-409-сон** қарорига асосан, туман (шаҳар) бюджетлари маблағлари доирасида жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали тадбирларни шакллантириш ва

уларга овоз бериш жараёнининг **биринчи мавсуми** — ҳар йили **февраль-март ойларида**, **иккинчи мавсуми** ҳар йили **июнь-июль ойларида** ўтказилши белгиланди.

1. Бухоро вилояти бўйлаб фуқаролар томонидан ташаббус ва жамоат манфаатларига хизмат қилувчи **2850** та **лойиҳалар** ташаббусли бюджетнинг  
**1-мавсумида овозга қўйилди.**

*Бунда вилоятнинг **544 та маҳаллалар жамоалари** ёки **барча маҳаллалар тўлиқ ўз лойиҳалари билан иштирок этдилар.***

Овозга қўйилган лойиҳаларнинг **867** таси ички йўлларни таъмирлаш, **351** таси умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш,

**329** таси кўча чироқларини ўрнатиш ва таъмирлаш,

**13** таси Мусиқа ва мактабдан ташқари ташкилотларни таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари

**59** таси Бошқа таълим муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари

**91** таси Спорт муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари

**169** таси Болалар майдончаларини (ўйингоҳларини) барпо этиш ёки таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар

**22** таси Аҳоли дам олиш масканларини таъмирлаш ёки моддий-техник базасини ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар

**110** таси Дренаж ва ариқ (зовур) ларни тартибга келтириш билан боғлиқ тадбирлар

**84** таси Ичимлик суви ва оқава тизимини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар

**166** таси Маҳалла гузари (маҳаллада умумфойдаланишда бўлган бошқа объектлар) ни таъмирлаш-тиклаш билан боғлиқ харажатлар

**40** таси Қабристонларни тартибга келтириш тадбирлари

**32** таси Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш (туман ёки шаҳар қиёфасини ўзгартириш) билан боғлиқ тадбирлар

**81** таси Қонун хужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ бошқа тадбирлар

**3 таси Олий ўқув юртларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари**

**26 таси Табиий газтаъминоти билан боғлиқ лойиҳалар**

**168 таси Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари**

**246 таси Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари мусиқа ва мактабни билан боғлиқ тадбирларни ташкил этди.**

Ушбу қарор билан ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида бюджет ташкилотларининг раҳбар ходимлари томонидан мажбурий овоз йиғиш бўйича ходимларга топшириқ беришлари қатъиян тақиқланди.

### **Ҳоким ёрдамчилари фаолияти тўғрисида;**

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида вилоятимизда ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Ҳозир шулар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсам.

#### **I. Ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг энг муҳим**

##### **самарадорлик кўрсаткичлари бўйича**

Жорий йилнинг **III-чорак** якуни ёки **24 октябр** ҳолати бўйича ҳоким ёрдамчиларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари **100 баллик** баҳолаш тизимида **89,2 бални** ташкил қилиб, **279** та (ёки жамига нисбатан **51,3 %**) ҳоким ёрдамчиси **аъло**, **212** та (ёки жамига нисбатан **39,0 %**) ҳоким ёрдамчиси **яхши**, **36** та (ёки жамига нисбатан **6,6 %**) ҳоким ёрдамчиси **қониқарли** ҳамда **17** та (ёки жамига нисбатан **3,1 %**) ҳоким ёрдамчисининг фаолияти **қониқарсиз** баҳоланди. Фаолияти қониқарсиз деб топилган ҳоким ёрдамчиларга чора кўриш мақсадида туман, шаҳар ҳокимликларига тақдимномалар киритилди.

#### **II. Ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган кредитлар**

Ҳоким ёрдамчилари тавсияномасига асосан 2023 йилда жами **1 150,0 млрд.сўм** имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши белгиланган.

Жорий йил **10 октябрь** ҳолатида **30 976 нафар** жисмоний ва юридик шахсларга **759,1 млрд.сўм** имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

**Маълумот учун:**

- Иссиқхона йўналишида **5 793 та 103,9 млрд.сўм;**
- Чорвачилик йўналишида **2 351 та 66,4 млрд.сўм;**
- Қуёнчилик йўналишида **8 та 200,0 млн.сўм;**
- Паррандачилик йўналишида **647 та 22,3 млрд.сўм;**
- Асаларичилик йўналишида **935 та 28,5 млрд.сўм;**
- Балиқчилик йўналишида **159 та 6,5 млрд.сўм;**
- Боғдорчилик йўналишида **273 та 9,9 млрд.сўм;**
- **Хизмат кўрсатиш йўналишида 17 050 та 466,9 млрд.сўм;**
- Ишлаб чиқариш йўналишида **359 та 10,3 млрд.сўм;**
- Ҳунармандчилик йўналишида **3 401 та 44,1 млрд.сўм.**

**III. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси**  
**маблағлари ҳисобидан ажратилаётган субсидия**  
**маблағлари бўйича**

**2023 йилда** вилоятда аҳолини тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш ва иш билан таъминлаш учун субсидиялар олиш мақсадида электрон платформа орқали **7 986 нафар** фуқаролар томонидан аризалар келиб тушган.

Жорий йилнинг 1 октябрь санасида ҳоким ёрдамчилари томонидан **7 170 та** аризалар кўриб чиқилган ва **3 251 тасига** ижобий тавсиянома берилган **4 159 таси** скоринг тизими томонидан рад этилган.

Ўтган 9 ой давомида **2 962 нафар** фуқароларга **14,9 млрд.сўм** субсидия маблағлари ажратилди.

**Маълумот учун:**

-**Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун 352 нафар 2,6 млрд.сўм**

-**Қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун 80 нафар 240.0 млн.сўм**

-Асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун **2 116 нафар 11,0 млрд.сўм**

-«Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун **309 нафар 435,6 млн.сўм**

-«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларга (кулолларга) шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун **63 нафар 200,2 млн.сўм**

- Касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг ўқув хоналарида ўқитиш қийин бўлган қуйидаги касб йўналишларида «уста-шогирд» анъаналари асосида хунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки хунар ўргатаётган (ёки ўргатмоқчи бўлган) усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун **42 нафар 396,0 млн.сўм**

#### **IV. Дехқон хўжалиги ерларини аукцион савдоларига чиқарилиши** **(ПҚ-373-қарорлар доирасида)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 сентябрдаги **ПҚ-373-сонли** қарорига асосан 2023 йилда вилоятда жами **6 108 гектар** ер майдонларини фуқароларга очик электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида ажратиб берилиш белгиланган. Бугунги кунга қадар **15 160 та** лотдан иборат **6 240 гектар** ер майдонлари савдога чиқарилди. Шундан, **14 749 та** лот **5 999 гектар** ер майдони фуқароларга ижара ҳуқуқи асосида ажратилди.

#### **V. Маҳаллаларда кичик лойиҳаларни амалга ошириш йўналиши бўйича амалга ошириладиган ишлар**

Ҳоким ёрдамчилари томонидан Жорий йилда умумий қиймати **1,1 тлрн.сўмга** тенг **2 618 та** кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари шакллантирилди. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида **11 705 нафар** иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Жорий йилнинг **9 ойи** давомида жами **1 641 та** режага нисбаттан **179 та** (*112 фозга*) кўп лойиҳалар ишга туширилиб, **7 593 та** режага нисбаттан **1227 та** (*119 фоз*) кўп иш ўринлари яратилди.

Тармоқлар кесимида таҳлил қилинганда, саноат соҳасида **223 та** лойиҳада **2 135 нафар**, қишлоқ хўжалигида **204 та** лойиҳада **803 нафар** ва хизмат кўрсатиш соҳасида **1 214 та** лойиҳада **4 655 нафар** янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари ўтган давр мобайнида **саноат, ҳунармандчилик, касаначилик, чорвачилик ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишида 5 та** микромарказлар тўлиқ ишга туширилиб жами **45 нафар** фуқаролар бандлиги таъминланди.

#### **VI. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳоким ёрдамчилари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида**

2023 йил давомида ҳоким ёрдамчилари томонидан **215 минг 600 нафар** фуқароларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Жорий йил январь-сентябрь ойларида **164 минг 264 нафар** фуқаролар бандлигини таъминлаш кўзда тутилган бўлиб амалда **265 минг 607 нафар** ёки (*режага нисбаттан 162 фоз*) аҳоли даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди.

#### **VII. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳоким ёрдамчилари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида**

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллаларда тадбиркорлик кўникмалари бўлмаган аммо тадбиркорлик истагини билдирган **7 118 нафар** фуқаролар **касб-ҳунар** ва **тадбиркорликка** ўқитилиб, барча фуқаролар тегишли диплом ва сертификатларга эга бўлган.

Шунингдек, ҳоким ёрдамчилари томонидан тадбиркорлик истагини билдирган фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали жами **8 691 та** юридик ва яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилган. Шундан, **4 551 таси**



**юридик ва 4 140 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини ташкил этади.**

### **Давлат меҳнат инспекцияси фаолияти юзасидан;**

Давлат меҳнат инспекцияси инспекторлари томонидан 2023 йилнинг 9 ойи давомида жами 770 та корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини таъминланиши ўрганилди. Ўрганишлар жараёнида 2342 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. 770 та ёзма кўрсатмалар берилди (24 та тақдимнома). 435 нафар мансабдор шахсларга нисбатан 1 102 730 минг сўм миқдорда маъмурий жарималар қўлланилди.

Жумладан;

49-модда 1-қисми билан 186 нафар мансабдор шахсга нисбатан 337 млн 070 минг сўм,

49-модда 2-қисми билан 32 нафар мансабдор шахсга нисбатан 73 млн 950 минг сўм,

49 прим 2-модда билан 20 нафар мансабдор шахсга нисбатан 65 млн 010 минг сўм,

50-модда 1-қисми (квота иш ўринлари ҳақида ахборот бермаган) билан 14 нафар мансабдор шахсга нисбатан 44 млн сўм,

50-модда 1-қисми (квота ва вакант иш ўринларига фуқароларни ишга қабул қилмаганлиги учун) билан 1 нафар мансабдор шахсга нисбатан 3 млн сўм,

229-модда билан 116 нафар мансабдор шахсга нисбатан 357 млн 580 минг сўм миқдорда жарималар қўлланилган.

Шундан 541 млн 696 минг сўми ундирилди, жаримани 15 кунда ихтиёрий тўланиши ҳисобидан 105 млн 225 минг сўм

ундирилмади. 2023 йил 1 октябр ҳолатида 73 млн 995 минг сўми ундирилмаган. Ундирув 71 % ни (имтиёзли қисмини инобатга олиб) ташкил этди.

18 нафар фуқаролар ишга тикланди, 159 нафар фуқароларнинг 270 млн сўм миқдордаги иш ҳақи ундириб берилди,

Мавжуд 1989 та корхонадан бўш иш ўринларини аниқлаш борасида олиб 350 тасида олиб борилган мониторингда борилган мониторингда 116 та корхонада жами 409 иш ўринлари яширилганлиги аниқланиб, 116 нафар мансабдор шахсга нисбатан 357 млн 780 минг сўм маъмурий жарима қўлланилди ва 116 та ёзма кўрсатма киритилди.

### **Тизимда Коррупцияга қарши курашиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича;**

Бухоро вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси “Коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат” бўлимига жами 4 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, мурожаатларнинг барчаси почта ҳамда ишонч телефони орқали қабул қилинган ва муаллифлар иштирокида тегишли ўрганишлар ўтказилиб, ариза муаллифига жавоб хатлари юборилган.

Бўлим томонидан 2023 йил январ-октябр ойларида 4 та хизмат текшурувлари ўтказилган ходимга нисбатан чора кўрилган.

2023 йил 03 май куни кун тартибида “Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 27 апрелдаги 01/00-03/20-2923-сонли кўрсатмаси ижросини ташкил этиш” мавзусида бош бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

2023 йил 9 ой давомида коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликларга оид қонунбузилиши ҳолатларини олдини олиш бўйича **38 маротаба** учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, шундан **20 таси** ижтимоий тармоқларда эълон қилинди.

Бухоро вилоятида 2023 йил 9 ой давомида тизими ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар таҳлил қилинганда, **4 та** жиноят қайд қилинган. “Коррупцияга қарши курашиш” мақсадида бошқарманинг тасарруфий ташкилотларга ҳуқуқий саводлигини ошириш, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни

шакиллантириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, қонунчилик, хизмат интизоми, одобахлоқ қоидалари ва ички тартиб қоидаларга риоя қилишни амалга ошириш юзасидан тушунтириш бериш бўйича бош бошқарманинг “Комплаенс назорат” бош мутахасиси томонидан тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб келмоқда.

### **Мурожаатлар юзасидан;**

Жорий йил 9-ойликлар якуни бўйича Бухоро вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси ва Туман шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига жами **6 059 та** жисмоний ва юридик шахслар мурожаати ва юқори турувчи ташкилотлар томонидан келиб тушган **8 432 та** ҳужжат [эдо.ижро.уз](http://эдо.ижро.уз) электрон дастурига кирим қилинган ва шу ҳужжатлар амсосида **23 231 та** топшириқлар ишлаб чиқилган.

Мурожаатларни ўрганиб чиқиш ва ижобийлигини ошириш мақсадида амалга оширилган ишлар натижасида келиб тушган **6059 та** мурожаатнинг **2899 таси (47,8%)** ижобий ҳал қилинган, **2912 таси (48%)** эса тушунтириш бериш орқали ҳал қилинган.

Мурожаатларни соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак:

- **2143 таси (35%) ишга** жойлаштириш ва ишсизлик нафақаси масалаларида (ўтган йилнинг мос даврига нисбаттан **27%га** камайган),
- **1906 таси (31,4%)** меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазаси масалаларида (ўтган йилнинг мос даврига нисбаттан **13%га** камайган),
- **460 таси (7%)** маҳалла фаолиятига оид масалаларида,
- **323 таси (5%)** маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалаларида,

- **299 таси (4%)** касб ҳунарга ўқитиш масаласида,
- **115 таси (1%)** оила ва хотин қизлар масаласида муурожаат қилган.